

1000,

W/40-05/77  
OT 21.01.22.

## ШАРТНОМА

### АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА

Андижон шаҳар

№ \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 йил

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги 29.08.1997 йилдаги № 463-1-сон қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги 319-сонли қарори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 июндаги «Таълим йўналишининг эгаллаган лавозимига мос Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида тиббий (шифокорлик), фармацевтик мутахассисликлар, лавозимлар номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 170-сонли ҳамда 12 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтиш муддатлари ҳамда тартиблари тўғрисида» ги 202-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш меъёрий ҳужжатлари ҳамда истикболли режага мувофиқ шифокорларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида Андижон давлат тиббиёт институти номидан Устав асосида фаолият юритувчи ректори Мадазимов Мадамин Мўминович бир томондан ва “Farg‘onaazot” АЖ бошқарув раиси А.Т.Салижонов иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар

#### 1. Шартноманинг мазмуни.

1. Андижон давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети “Farg‘onaazot” АЖда фаолият кўрсатаётган шифокорларини мутахассисликлари бўйича кафедраларида малакасини ошириш учун курсларга қабул қилади ва малака ошириш ўқув циклида ўқитиб беради. “Farg‘onaazot” АЖ шартномада келишилган тўловни амалга оширади.
2. Тингловчилар сони, ўқитиш муддатлари, ўқув режаси ва дастури ҳамда дарс жадвали томонлар тарафидан келишилган ва тасдиқланган ҳужжатлар билан аниқланади ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

#### 2. Тингловчиларни ўқитиш тартиби.

- 2.1. Тингловчилар Андижон давлат тиббиёт институтининг ажратилган ва бириктирилган ўқув базаларнинг махсус жихозланган хоналарида ўқитилади.
- 2.2. Ўқув дастурни ўзлаштирган тингловчилар курс якунида битирув синовини топширадилар.
- 2.3. Синовни муваффақиятли топширган тингловчиларга белгиланган тартибда гувоҳнома ёки сертификат берилади.

#### 3. Томонларнинг мажбуриятлари.

- 3.1. “Farg‘onaazot” АЖ:
  - а) 2022 йил давомида шифокорларни тамонлар тарафидан келишилган ва тасдиқланган режага асосан тингловчи сифатида ўқишга юборади;
  - б) марказлашган ҳолда АДТИ ҳисоб рақамига томонлар тарафидан келишилган ва тасдиқланган ҳисобда (сметада) кўрсатилган ҳар бир терапевтик мутахассисликларига шифокор-тингловчи учун 1 991 000, ҳар бир хирургик мутахассисликларига шифокор-тингловчи учун 2 142 000 сўм, ҳар бир оилавий шифокорлик мутахассисликларига шифокор-тингловчи учун 1 608 000 сўм миқдорида тўловларни 100 фоизгача олдиндан амалга оширади. Ушбу тўлов ҳисобига ўқитиш учун керакли харажатлар киритилади.
  - в) тингловчи ўқиш давомида институтнинг ички тартибига риоя қилмаган, узрли сабабларсиз ўқишга келмаган тақдирда тингловчилар сафидан чиқарилади ва ўқиш учун ажратилган маблағ қайтарилмайди.
- 3.2. Андижон давлат тиббиёт институти:
  - а) Ўқув машғулотларни махсус тайёргарликдан ўтган етук малакали профессор-ўқитувчилар томонидан ташкил қилинади;

б) Ўқув-амалий машғулотлар чет эл янги технологиялари ва техникаларига техник хизмат кўрсатиш каби махсус ўқув хоналарда ва ўқитишни илғор услублари ҳамда технологиялар асосида олиб борилади;

в) тингловчилар учун тиббиётнинг янги ислохатлари асосида амалий машғулотлар ташкил қилади ва ҳозирги кун технологияси билан жихозланган тиббиёт муассасаларида олиб борилади.

#### 4. Қўшимча шартлар.

4.1. Ўқитиш учун сарфланадиган харажатлар тузилган сарф-харажатлар белгиланган тартибда тасдиқланган калькуляциясидаги миқдорда амалга оширилади;

4.2. Ўқитишни молиялаштириш Андижон давлат тиббиёт институтида малака ошириш факультетида гувоҳнома олган тингловчилар сонига мувофиқ амалга оширилади.

4.3. Ўқиш жараёни ва таълим сифати Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва шифокор-кадрларга қўйилган талабларга жавоб бермаса, ўқитиш учун тўлов тўлиқ амалга оширилмаса томонларнинг ёзма талаби асосида қонунларда белгиланган тартибда шартнома муддатидан олдин бекор қилиниши ва тўловлар тўхтатилиши мумкин.

4.4. “Буюртмачи” томонидан шартномага кўра “Бажарувчи” га белгиланган муддатда тўловлар тўланмаса кечикитилган ҳар бир банк куни учун “Бажарувчи” га 0,5% миқдорда жарима (пеня) тўлайди.

4.5. Ўқитиш давомида белгиланган тартибда тасдиқланган калькуляциясидаги миқдорида ўзгаришлар бўлганда “Бажарувчи” томонидан тўлов суммасидаги фарқлар ўқиш давомида амалга оширилади;

#### 5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Ушбу шартнома шартларини лозим даражада бажармаган тақдирда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида жавобгар бўладилар.

#### 6. Форс-мажор.

6.1. Тарафларнинг биронтаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар “Форс-мажор” табиий офатлар, уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, қамал ҳолати учун жавобгар бўлмайди.

#### 7. Низоларни ҳал этиш тартиби.

7.1. Мазкур шартнома бўйича юзага келган низолар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида ҳал қилинади. Агар келишувга эришилмаган тақдирда юқори турувчи ташкилотлар ёки хўжалик суди тартибида ҳал қилинади.

#### 8. Шартноманинг амал қилиш муддати.

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва “31”.12. 2022 йилгача амал қилади.

#### 9. Тамонларнинг юридик манзиллари.

Андижон Давлат тиббиёт институти  
Ю.Атабеков куча 1 уй  
Ш.х/р 4001. 1086 0034 0170 9410 0054 001  
ИНН: 200 237 442, ОКОНХ: 921 10  
Ўзб.Рес.Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
х/р 2340 2000 3001 0000 1010  
ИНН: 201 122 919, МФО: 000 14  
МБ. ББХКМ Ташкент шаҳар

Андижон давлат тиббиёт институти  
ректори  Мадазимов М.М.

« \_\_\_\_\_ » 2022 йил

“Farg’onaazot” АЖ бошқарув раиси  
А.Т.Салижонов

Киргили СКБ  
Фарғона ш. Саноат кўча 222  
Х/р 20210000200228989001  
ИНН 200202400  
ОКЭД 20152  
МФО 00524

« \_\_\_\_\_ » 2022 йил



